# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 23 июль, № 154 (7656) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Биз пандемияни қачон енгамиз? Қачонки, ҳар бир одам ўзидаги бепарволикни енгса, ўзи, оиласи ва фарзандлари, бутун халқимиз ҳаётига масъулият билан қарайдиган бўлса.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ ЖАВОҲИРЛАРИ

## «Бу бизнинг вазифамиз, бурчимиз!»

*Дунёда инсондан азиз хилқат йўқ. Тарих шоҳид: бу мукаррам зот ўз ибтидосидан буён не-не суронларни, офатларни, фожиаларни бошдан ўтказмади дейсиз?! Аммо уларнинг ҳеч бири банибашарнинг ҳаётга бўлган муҳаббатини, қалбида тутган тириклик оловини сўндира олмади. Одамлар ўртасидаги ўзаро оқибат ва инсонпарварлик эса уни тубсиз ҳалокат жарликларидан, охири йўқ талатўплардан эсон-омон олиб ўтди. Бугун эса унинг бошига яна бир оғир кулфат тушди. Бу — кўзга кўринмас, аммо қаттоллик бобида ҳар қандай офатлардан бадтар коронавирус.*

*Янада аниқроқ айтганда, аждодларимиз бу каби балою офатларни улкан тажриба, ақл-идрок, сабр-тоқат, юксак маънавият ва илму маърифат билан собитқадамлик билан енгиб ўтган...*



### Инсон азиз

Инсоният бошига тушган бугунги оғир кулфатнинг бошқаларидан фарқли жиҳати, у кўринмас, бироқ қаттоллик борасида ҳар қандай урушдан бадтар. Ҳозир дунёнинг етти ярим миллиарддан ортиқ аҳолисини битта мусибат бирлаштириб турибди — коронавирус! Шу боис бугун каттаю кичик барчанинг тилида, дилида бир гап: номинг ўчсин, коронавирус!

Айнан мана шундай оғир пайтда одамзод яна қўлига нажот қуролларини олди. Уларнинг номи — меҳр, ғамхўрлик, сабр-қаноат, ирода, қатъият, саховат, некбинлик ва албатта, ишонч. Бу, ҳар қандай ўқу снаряд отадиган, порох сочадиган аслаҳадан, ҳўлу қуруқни бирдек йўқ қиладиган бомбадан ҳам қудратлидир.

Афсуски, "тождор ёв" юксак марралар йўлига чиқиб олган она Ватанимиз сарҳадларидан ҳам кириб келди. Пана-пасқамларда пусиб ётибди, бефарқ ва бепарво таналар, боқибеғам, пуч онглар орқали ҳужумга ўтяпти. Аммо ваҳимага ўрин йўқ, саросимага тушмаслик керак. Фақат ҳушёрлик қўлдан берилмаса бўлгани!

Бугун юртимизда барча фидойи инсонлар ана шу офатга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқда. Уларнинг орасида тиббиёт ходимларининг ўрни алоҳида. Ушбу касб эгалари шафқатсиз "фронт"да энг олдинги сафларда биринчи бўлиб "жанг"га кирдилар. Ва ҳамон кечани кеча, кундузни кундуз демай, жонини жабборга бериб, COVID-19 "қўшини" билан курашаётир. Халқнинг, миллатнинг мана шундай ҳақиқий фидокорлари эса юртимизда жуда кўп. Шаҳарлар дейсизми ёки қишлоқ ва овуллар, улар ҳар жойда ҳозиру нозир, вируснинг тожини қирқиш билан банд.

...Кўпчилигимиз Жанубий кореялик киноижодкорлар томонидан суратга олинган "Сарой жавоҳири" сериалини севиб томоша қилганмиз.

Нима учун шундай, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Сабаби аниққи, у ўз Тангеми билан, вабо ўлатига қарши юракдан курашган, касбига чиндан-да содиқ ва фидойи қаҳрамони, табиб аёли билан қалбимиздан жой олган.

Сериал бош қаҳрамони Тангем меҳрибон, мард ва матонатли аёл сифатида кўнгилларни забт этган, десак, адашмаймиз.

Ушбу картинада бир ибратли эпизод бор: қишлоқда даҳшатли юқумли касаллик тарқалади. Ҳамма ваҳимага, қўрқувга тушган. Тангем эса ана шундай пайтда ҳам саросимага берилмайди. Вабога чалинишдан ҳайиқмай, одамларга ёрдамга ошиқади. Касалликнинг илдизини аниқлаб, унинг давосини топади ва халқини кулфатдан асраб қолиб, меҳр қозонади. Билим ва салоҳияти, жасорати, ўзгаларга меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги билан чин маънода сарой жавоҳирига айланади. Унинг касбига бўлган садоқати одам танламайди. Шоҳ ҳам, гадо ҳам бемор бўлса, ҳамиша даволашга тайёр Тангемга айланиш бугун, айниқса, муҳимдир.

Бежиз ушбу сериални ёдга олмадик. Бугунги мураккаб шароитда машаққатли меҳнат қилаётган, кўринмас "ёв"га қалқон бўлаётган юртимиздаги жамики аёл шифокорлар ва ҳамшираларни жонажон Ватанимизнинг жавоҳирлари, деб атасак арзийди.

Бинобарин, ўз ҳою ҳавасини унутиб, одамлар саломатлиги йўлида кураш олиб бораётган ана шундай аёлларимиз Тангемдан устун бўлса устундирки, асло кам эмас. Албатта, кинода ҳамма ҳам қаҳрамонлик қила олади, аммо ҳаётда эмас. Боз устига, дунёда кузатилаётган ҳодисалардан сўнг "тождор" вирус билан бевосита кураш олиб боришга ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермаслиги рост.

➡ 4

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



## ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*"Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Бош вазир Ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Қонунчилик палатасига тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этиб келмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қарор топган мазкур янги институт парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтиришга хизмат қиляпти.*

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил биринчи ярим йилликда бажарилишининг бориши тўғрисида"ги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Халқ вакиллари таъкидлаганидек, истиқболда бажарилиши назарда тутилган ва Давлат дастурида ўз аксини топган вазифалар, режалар йил бошида — ҳаётимиз пандемиядан холи осуда ва барқарор кечаётган паллада тасдиқланган эди. Коронавирус пандемияси бутун дунёда ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнларини сусайтирди, қатор режаларга ўзгартишлар киритишга мажбур қилди. Мамлакатимизда бундай шароитда Ўзбекистон Президенти томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини самарали қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолисининг даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниши, ўз навбатида, пандемия оқибатларини юмшатиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари кескин пасайиб кетмаслигида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Пандемия асоратларини юмшатишга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг жойларда ижро этилишига кўмаклашиш мақсадида депутатлар бир неча маротаба, хусусан, 15 — 25 июнь кунлари мамлакатимиз ҳудудларида бўлиб, халқ билан мулоқот қилиш асносида тадбиркорларга берилган имтиёзлардан қай даражада фойдаланилаётгани, пандемия даврида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ўргандилар. Мазкур йўналишда маҳаллий бошқарув органлари ҳамда секторлар иштирокида олиб борилган теран таҳлилларда жойларда Давлат дастури доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдилар.

Ҳукумат томонидан парламентга тақдим этилган ҳисоботда келтирилишича, мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилган самарали чора-тадбирлар ҳисобига жорий йилнинг I ярим йиллигида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 100,2 фоизни, унинг таркибида саноат — 98,1 фоизни, хизматлар — 99,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги — 102,8 фоизни ташкил қилган.

➡ 2

### Сенатор мушоҳадаси

## СУВ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

*Инсоннинг тўкис ҳаёт кечириши учун сув энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Сув бор жойда ҳаёт қайнайди. Сув танқислиги бошланиши билан муаммолар ҳам бўй кўрсатади. Шу боис ота-боболаримиз ҳамиша сувни эъзозлаб, унинг ҳар томчисини қадрлаб келган.*

Сўнгги йилларда юртимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Бироқ сув хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари, йўналишлари, ўрта ҳамда узоқ муддатли истиқболини белгилайдиган, соҳага оид дастурлар ишлаб чиқиш учун асос бўладиган стратегик ҳужжат — концепция мавжуд эмас эди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 июлда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони билан ана шу масалага ечим топилди. Концепция Осиё Тараққиёт банки ҳамда Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги каби халқаро ташкилотлар экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, концепцияни 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиловчи "Йўл харита"си ҳам тасдиқланди.

### Аслида бунга зарурат бор эди

Ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган бир **гектар экин майдонига манбалардан ўртача 10,7 минг метр куб сув сарфланади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 6,5-7 минг метр кубни ташкил этади.**

Сўнгги йилларда **298 минг гектар** суғориладиган ерлар фойдаланишдан чиқиб кетган, **560 минг гектарида** эса сув таъминоти даражаси паст, суғориладиган ерларнинг **46 фоизи турли даражада шўрланган.**

➡ 2

# УЙДА ҚОЛИНГ!

## ЕР АЖРАТИШНИНГ ШАФФОФ ТИЗИМИГА ЎТИЛАДИ

*Куни кеча Президентимиз раислигида ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.*

*Ер бебаҳо — бойлик, ризқ-рўзимиз манбаи. Шундай экан, унинг ҳар қаричининг ҳисобини юритиш, унумли ҳамда самарали фойдаланиш зарур. Йиғилишда бугунги кунда юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди. Шундан келиб чиқиб, айрим мутасаддилар фикрларини ёзиб олдик.*

### Муносабат

**Халилилло ТЎРАХЎЖАЕВ, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси:**

— Йиғилишда Президентимиз томонидан ер ҳисоби ва давлат кадастрини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, ушбу соҳани ислоҳ қилиш ҳамда тубдан такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар мавжуд. Йил охирига қадар бизга ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчилар ҳақида маълумотлар жамланган ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси юклатилди. Геопортал ишга тушгандан кейин 1 январдан бошлаб ерни ажратишнинг шаффофлиги таъминланади. Ҳар бир фуқаро, ҳар қандай тадбиркор онлайн тарзда кўриб бориш имкониятига эга бўлади.

Космосуратларни таққослаш орқали ер назоратини самарали юритиб, ҳосилдорликни таҳлил қилиш, ерларнинг суғориш ҳолатини мунтазам ўрганиш йўлга қўйилиши лозимлиги ҳам айтиб ўтилди. Сунъий йўлдош орқали маълумотлар олиш бўйича музокаралар олиб бориш ҳақида кўрсатма берилди. Биз бу борадаги ишларни бошлаб юборганмиз. Хусусан, Жанубий Корея ва Европа давлатлари билан келишувга ҳам эришилган. Шу йилнинг охирига қадар виртуал ер сунъий қабул қилиш станциясини ишга туширамиз.

➡ 3

## МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН:

Ҳомийлик, хайрияларни мувофиқлаштириш ва волонтёрлик марказларининг фаолияти йўлга қўйилди. Айни чоғда ҳомийлик кўрсатиш истагидаги ташкилот ҳамда фуқароларнинг хайрия — озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа турдаги маҳсулотлари волонтёрлар гуруҳлари орқали моддий ёрдамга муҳтож ҳамда ишсиз оилаларга етказиб берилмоқда.



Ҳозиргача **49 минг 961 та** камбағал ҳамда **52 минг 19 та** карантин сабаб даромад манбаидан маҳрум бўлган оилаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Call-марказ телефон рақамлари орқали **47 минг 405 та** мурожаат қабул қилинди. Уларнинг **46 386 таси** озиқ-овқат, **393 таси** дори-дармон ҳамда **626 таси** бошқа масалалар бўйича мурожаатлардир.



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган "Ишонч телефони" орқали жорий йилнинг айни пайтига қадар юртдошларимизнинг **917 та** мурожаати қабул қилинди.





Шу йилнинг 14 июлидан 20 июлига қадар мазкур мурожаатларга асосан, **19 минг 366 та**, фуқаролар йиғинлари томонидан шакллантирилган рўйхатлар асосида **98 минг 376 та** эҳтиёжманд оилаларга **10 млрд. 979 млн. сўмлик** озиқ-овқат маҳсулотлари, **291 та** оилага эса қиймати **50,2 млн. сўмлик** дори-дармонлар етказиб берилди.

# ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

←1

Ҳисобот даврида инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимиз турли тармоқларига киритилган 3,86 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди ҳамда жами экспорт ҳажми республика бўйича 6 миллиард 285 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Умуман, 2020 йил I ярим йиллигида жами 284 та банддан иборат Давлат дастурининг 118 та банди ижросини таъминлаш белгиланган. Мазкур топшириқлардан 64 та банд тўлиқ бажарилган ва 15 та банднинг муддати объектив сабабларга биноан белгиланган тартибда узайтирилган, 36 та банднинг ижроси юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда, 3 та банд ижросини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида Давлат дастурида белгиланган муҳим ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазифалар, чора-тадбирларнинг ижроси ҳолати халқ вакилларининг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлди.

Парламент аъзолари амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, пандемия шароитида юзага келган объектив сабаблар туфайли Давлат дастури айрим бандларининг бажарилиши кечикаётгани, баъзи вазифалар ижроси ҳозирда таъминланмаганини қайд этдилар.

Давлат дастурида белгиланган телекоммуникация соҳаси, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этишни назарда тутувчи “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури ҳамда 2020 йил учун аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш кечикаётганини таъкидладилар.

**Давлат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён қилди. Ҳукуматга Давлат дастури ижросини тўла таъминлаш бўйича таклифларини илгари сурди.**

✓ Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси** аъзолари Давлат дастуридаги мамлакатни инновацион ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни шакллантириш ҳамда Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестициялар учун жозибадор бўлган давлатлар қаторига киришида муҳим аҳамият касб этган бандларнинг ижроси бўйича қилинган ишларни эътироф этишди.

✓ **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП фракцияси** вакиллари олий таълим соҳасида ўз ечимини кутиб турган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш, дастурда кўзда тутилган, таълим-тарбиянинг асосий бўғини ҳисобланган мактабларнинг қурилиш-монтаж ишларини таҳлил қилган ҳолда, бу борадаги ҳаракатларни жонлантириш лозимлигини қайд этдилар.

✓ **Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси** аъзоларининг фикрича, бугунги мураккаб шароитда коронавирус тарқалишига қарши курашиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, шошилинч тиббий ёрдам хизмати ҳамда Call-марказлар ишини тубдан қайта кўриб чиқиш ва самарали ташкил этиш, коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар билан ишлаётган тиббиёт ходимларини сўзсиз қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигини қайд этиб ўтдилар.

✓ **Ўзбекистон ХДП фракцияси** аъзолари пандемияга қарши курашиш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги қонунни ҳамда “яширин иқтисодиёт”га қарши курашиш дастурини кенг муҳокамалар асосида тезроқ тасдиқлаш зарурлигига эътиборни қаратди.

✓ **Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** томонидан мажлисда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилаш, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатларни янгилаш муҳимлиги қайд этилди.

Парламент қуйи палатасидаги барча фракция раҳбарларининг ҳисобот юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари эшитилгач, қизғин, амалий ва танқидий руҳда кечган савол-жавоблардан сўнг, депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқулладилар ҳамда Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган қарор қабул қилдилар.

**«Халқ сўзи».**

# СУДЬЯЛАР АХБОРОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

*Маълумки, Президентимиз раҳбарлигида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги камчиликлар атрофлича таҳлил қилинган эди.*

## Сессия

Эътиборлиси, унда бундан буён депутат ҳамда сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, одил судловга кўмаклашиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб бориши таъкидланганди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати Кенгаши “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиёти самарадорлигини ошириш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларига тегишли судлар раисларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини мунтазам равишда эшитиб бориш тавсия этилди.

Куни кеча шу мақсадда Сирдарё вилояти халқ депутатлари туманлар ҳамда шаҳарлар Кенгашлари сессиялари ўтказилди. Уларда маҳаллий Кенгашлар депутатларидан ташқари, ҳудуддан сайланган сенаторлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда ташкилот ва корхоналар раҳбарлари қатнашди.

Сессияларда жиноят, фуқаролик, маъмурий ҳамда иқтисодий суд раисларининг 2020 йилнинг олти ойи давомидаги фаолияти ҳақидаги ахборотлари эшитилди. Уларда берилган маълумотлардан келиб чиқиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тегишли ташкилот ҳамда идораларга кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, сессияларда ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги, пандемия даврида дори-дармон ҳамда озиқ-овқат захирасини таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# САВОЛЛАР КЎПАЯВЕРСА, ИШОНЧ ЙЎҚОЛАВЕРАДИ

## Соғлиқни сақлаш вазирлиги бугун нималарга аҳамият қаратиши керак?

*Шу кунларда мамлакатимизда тиббиёт ходимларининг етишмовчилиги, дорихоналарда айрим дори-дармонлар нархлари ошиб бораётганлиги, касалланганлар учун ўрин-койкаларнинг камлиги, беморларни даволаш бўйича яхлит тизимнинг йўқлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.*

## Бонг

Гарчи ўтган йилнинг сўнгида жаҳонда бошланган, март ойида юртимизга кириб келган, апрель-май ойларида ўсиш суръати нисбатан пасайган коронавируснинг бу тартибда ривожланишига шунча вақт бўлган бўлса ҳам, етарлича ҳозирлик кўра олмаган мутасаддилар ҳақида бирон нарса, дея олмаймиз.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган эди. Унга кўра, Молия вазирлиги ҳузурида 10 триллион сўм миқдоридаги маблағга эга Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Унинг маблағларидан бир қатор йўналишларда фойдаланиш назарда тутилди. Яъни жамғарма маблағлари ҳозиргидек ҳолатнинг юзага келмаслиги учун сарфланиши лозим эди.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади. Бугунги кунда тиббиёт ходимларининг етишмаслиги, дори-дармон нархлари ошгани, фуқароларимизнинг коронавирусга тест топшириши деярли имконсиз бўлиб қолгани, тиббиёт соҳасидаги ходимлар меҳнат таътили ёки бўлмаса ўз ҳисобидан таътилга чиқиб кетганига нима сабаб бўлди?

Бу бўйича айрим мулоҳазаларни келтириб ўтишимиз жоиз.

*Биринчидан,* Фармонда берилган топшириқлар тўлиқ ижро этилмаган;

*иккинчидан,* дори-дармон билан шуғулланувчи айрим шахслар айни қийин даврдан фойдаланган ҳолда мўмай пул ишлашни ўзининг асосий мақсади этиб белгилаб олди;

*учинчидан,* бутун дунёда касалликнинг ўсиш суръати кескин ошиб, ўрин-койкалар етишмовчилиги кузатилган бир вақтда масъулларимиз бизда ундай бўлмайди, деб хотиржамликка берилди;

*тўртинчидан,* коронавирусга қарши туну кун курашаётган тиббиёт ходимларнинг ижтимоий ҳимояси етарли таъминланмагани боис ишдан бўшашлар, ўз ҳисобидан таътилга чиқиш ҳолатлари кўпайгани учун кадрлар етишмовчилиги келиб чиқди.

Бундан буёғига нима қиламиз?

Энг аввало, Президентимиз Фармон ва қарорлари ижроси тўлиқ бажарилишини таъминлаш зарур. Прокуратура органлари энг қуйи муассаса бўлган дорихоналарни эмас, балки дори-дармонларни етказиб берувчиларни назоратга олиши лозим.

Тошкент шаҳри ва ҳудудларда мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда санаторийлар, ўйингоҳ (стадион)лар ҳамда шунга ўхшаган бино ва иншоотларни коронавирус билан касалланган беморларга ёрдам кўрсатиш учун фойдаланишга тайёрлаш зарур.

Тиббиёт ходимлари (қўриқловчи, санитарка, ҳайдовчилар)ни ишга жалб қилиш учун уларнинг ойлик маошларини етарли даражада (камида 2 баробар) ошириш лозим. Меҳнат ва ўз ҳисобидан таътилга чиққан тиббиёт ходимларининг барчасини ишга жалб этиш, шунингдек, тиббиёт соҳасида ўқиётган 5, 6-босқич талабаларини оммавий ишга жалб этиш керак. Уларни ҳам муносиб иш ҳақи билан таъминлаш зарур. Тиббиёт коллежи битирувчиларини ўзи яшаб турган маҳалла, кўча ва кўп қаватли уйларга патронаж ҳамшира сифатида бириктириш орқали ҳам ҳар бир хонадонга тиббий хизматни таъминлашимиз мумкин.

Яна бир муҳим масала. Жорий йилнинг 23 май ҳолатига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳақида маълумот берилган эди. Унга кўра, Ўзбекистонда ҳар бир даволаниб чиққан бемор учун давлат 32,3 миллион сўмдан харажат қилганлиги, касаллиги оғир кечаётган беморларнинг ҳар бирига 64,4 миллион сўмдан, реабилитация, карантинда бўлган беморларга эса ҳар бири учун 2,2 миллион сўмдан ажратилганлиги айтилган эди.

Айни пайтда аҳвол қандай? Ҳар бир беморга қанчадан маблағ сарфланяпти? Уларнинг таннархи (калькуляцияси)ни аҳолимизга очиқ айтишимиз керак. Бугунги кунгача қанча шифокор ҳимоя воситаси билан таъминланган, қанчаси касалланди, қаерда шифокорлар етишмовчилиги кузатилмоқда? Қанча бемор уйида даволанмоқда? Соғлиқни сақлаш вазирлиги мана шулар ҳақида ҳам батафсил маълумот беришга ўтмас экан, саволлар кўпаяверади. Саволлар кўпайган жойда эса гумон ва шубҳа кўпаяди, улар эса ишончга путур етказади. Ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш бўлмаса мақсадга етишиш мураккаблашиши оддий ҳақиқат.

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# КИМНИДИР АЙБЛАШ ЭМАС, МУАММОНИ ЕЧИШ ҲАҚИДА ЎЙЛАШ КЕРАК

*Ярим йилдан ошдики, дунё коронавирус пандемияси билан курашмоқда. Касалланганлар сони кун сайин ортмоқда. Жаҳоннинг манаман деган давлатларининг тиббиёт тизими ҳам ушбу вирусга қарши курашда қийналмоқда, кутилмаган катта босимга дош беролмаяпти.*

## Депутат фикри

Албатта, битта бемор борлиги ҳам ўйлантирадиган ҳолат, лекин барибир, юртимизда шифохоналарда даволанаётган беморлар 10 мингга яқин экани вазият бошқа давлатларга нисбатан енгилроқ кечаётганини англатади. Агар тезкор, қатъий чоралар кўрилмаганида бугун бу рақам эҳтимол уч-тўрт баробар кўпроқ бўлиши мумкин эди.

Давлатимиз раҳбари биринчи бемор расман қайд этилган пайтдан бошлаб, қанча йиғилиш ўтказган бўлмасин, барчасида пандемия масаласига алоҳида тўхталиб, мутасаддиларга ҳушёр бўлишни, қийин ҳолатларга тайёр туришни таъкидламоқда. Аммо кейинги ҳафталарда беморлар сони кўпайиб бориши натижасида соғлиқни сақлаш тизимидан норозилар, шикоятлар кўпайди. Бу ҳолат мутасаддилар йиғилишларда қайта-қайта эслатилган масалага, долзарб вазифага чуқур таҳлилий ёндашмаганини кўрсатди, деб ўйлайман.

Мен мутахассис эмасман, аммо, ўйлашимча, бошқа давлатларда кузатилаётган ҳолатни ҳисобга олиб, мамлакатимизда 20 — 30 минг беморга сифатли тиббий хизмат кўрсата оладиган захира тайёрлаш зарур эди. Бунга оз эмас, 2-3 ой вақт бор эди. Афсуски, соҳалардаги раҳбарларда бирдамлик, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш, тизимли иш юритиш фаолияти етишмагандек туюлмоқда. Бир сайловчига коронавирусдан муолажа бўйича ёрдам керак бўлганда, шахсан шуғулланиб, шундай хулосага келдим.

Вазирликлар, республика идоралари даражасида юзага келиши мумкин бўлган оғирроқ вазиятни ҳисобга олиб ҳаракат қилинмаслиги натижасида одамлар қуйи тизимдан кўпроқ норози бўлмоқда. Чунки бемор учун қаршисида турган оқ халатли шифокор ёки ҳамшира бутун вазирликни билдиради. Агар беморга тез, сифатли ёрдам кўрсатилмаса, у бунинг сабаблари билан ҳисоблашишга, тушунишга мажбур эмас, аксинча, у бутун тизимдан норози бўлади.

Кейинги кунларда шифокорларнинг мурожаатларидан ҳам билиняптики, айрим масалаларда уларга ҳам ваъда берилган шароит яратилмаган. Хусусан, хавфли шароитда ишлагани учун режа қилинган маблағ берилмаган. Мана шу биргина камчилик учун бир неча вазирлик-идоралар тенг жавобгар, деб ўйлайман. Ҳамма масалада битта-иккита ташкилотни ёки фақат Соғлиқни сақлаш вазирлигини айблайвериш тўғри эмас. Айрим масалалар борки, вазирлик истагани билан ҳал қилолмайди.

Давлатимиз раҳбари 15 июль куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам кейинги бир ойда коронавирусни даволаш стратегияси ҳамда тактикаси кескин бузилгани, реал ҳолатдан келиб чиқиб, даволаш амалиёти ўзгартирилмаганини танқид остига олди. Тошкент шаҳар ҳокимлигига камида 3 ойлик дори-дармон ва ҳимоя воситалари захирасини шакллантириш вазифаси қўйилди. Бу вазифа ҳамма ҳудудлар учун тегишли ҳамда долзарб. Вазирлик, мутасаддилар вазият ҳозиргидан ҳам мураккаблашиши мумкинлигини инобатга олиб, ҳаракат қилиши зарур.

Шифокорларга эҳтиёж ошиб боряпти. Қайсидир шифокорларимиз эса ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб кетяпти. Тиббиёт муассасаларини шифокор ва ҳамширалар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш керак, деб ўйлайман. Уларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Лекин ажратилган пуллар ҳар хил қинғир йўллар билан ўзлаштирилаётгани ҳақидаги хабарлар кунора чиқиб турибди. Бу ҳолатга ҳам биринчи галда умумий тизимдаги муаммолар, юқоридан изчил чоралар кўрилмагани, қатъий, шаффоф тизим яратилмагани сабаб бўлмоқда. Партиямиз фракцияси Давлат бюджети ижросининг олти ойлик якунлари парламентда муҳокама қилинганда, бу масалада Ҳукуматга тегишли таклифини берди.

Шунинг учун республика ва ҳудудлар миқёсида мутасадди раҳбарларнинг ишини аниқ кўрсатадиган, керак бўлса, қатъий чоралар кўрадиган вақт келди. Акс ҳолда, айрим боқибеғам раҳбарларни, деб ҳақиқий фидойилар, айбсиз айбдорлар ёмонотлиқ бўлиб қолаверади.

Бу жараёнда парламент аъзоларининг реал роли, иштироки қандай бўлиши ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз зарур. Тўғри, депутатлар пандемия даврида ҳудудлардаги ҳолат билан бевосита танишиб, вазиятни таҳлил қилиб, керак пайтда ҳокимликлар ва вазирликларга таклифлар бермоқда, баъзи масалаларда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Аммо мураккаблашаётган ҳолатдан келиб чиқиб, кўпроқ масъулиятли, таъсирчан механизмлар асосида ишлашимиз янада катта аҳамиятга эга бўларди.

**Шербек БЎРОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

# ТОПШИРИҚЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?




*Айни дамда мамлакатимизда бутун жаҳонда бўлгани каби коронавирус пандемиясига қарши курашиш, бу касаллик тарқалишининг олдини олиш, зарурий профилактика чора-тадбирларини ўтказиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги ишлар тизимли амалга ошириляпти.*

## Қулайлик

Давлатимиз раҳбарининг аниқ таҳлилларга таяниб айтган кўрсатмаларига мувофиқ, тегишли мутасадди идоралар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, Call-марказлар сонини кўпайтиришда Тошкент шаҳрининг ўзида қўнғироқларни қабул қилиш учун Тез тиббий ёрдам марказий станциясида қўшимча 70 та жой ташкил этилди. Бу ерда операторлик фаолиятини юритиш учун махсус ўқув-курсларда тайёргарлик кўрган, бундай хайрли ишларга жалб қилинган кўнгиллилар фаолият юритаётир.

Бундан ташқари, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида тиббий маслаҳат кўрсатиш бўйича 50 нафар кўнгилли шифокорлардан иборат Call-марказ ҳам ишга туширилди. Мазкур тизим орқали шу кунга қадар 36 218 та мурожаат юзасидан тиббий маслаҳатлар берилган.

Прокуратура органлари томонидан узлуксиз равишда барча кўнгилли ишчиларга махсус кийим-кечак ҳамда бепул кунлик озиқ-овқат етказиб берилиши ташкиллаштирилган. Ўз ўрнида, тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини яхшилаш, уларнинг чақириқларга янада тезкорликда етиб бориши, ушбу соҳа шифокорларининг янада сифатли хизмат кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳам алоҳида назоратга олинган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тез тиббий ёрдам хизмати автомобиль паркини кенгайтириш йўли билан аҳолининг тез тиббий ёрдам хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қўшимча 50 та “Дамас”, 12 та “Фотон” ва 27 та “Isuzu” махсус автомашиналари ажратилди.

Шунингдек, Бош прокуратура ташаббуси билан тез орада “Shifoxona info” телеграм бот канали ташкил этилиб, ҳар бир шифохонага прокуратура ходими бириктирилиб, шаҳардаги шифохоналарда мавжуд бўш ўринлар (койка) ҳисоби юритилиши йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Натижада мавжуд ҳақиқий маълумотларни мунтазам равишда Call-марказдаги чақирувларни мувофиқлаштирувчи диспетчерларга доимий равишда тақдим этиб бориш, чақирувга чиққан тез тиббий ёрдам бригадасини, заруратга қараб беморнинг касаллиги бўйича бўш жой мавжуд бўлган яқин орадаги шифохоналарга йўналтириш имконияти юзага келади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Жаҳонда кечаётган пандемия шароитида ҳам миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш бугуннинг асосий масалаларидан бири бўлиб турибди. Жумладан, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ишчи-ходимларига индивидуал тартибда керакли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёни изчил давом эттирилишига хизмат қилади. Албатта, етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати билан бир қаторда, нархи мақбуллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.*

## Нуқтаи назар

Президентнинг шу йил 20 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бу ҳужжат билан 2020 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослаштирилган корхоналар айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан ҳамда жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилди. Шу муддатга мол-мулки (бинолар ва автомобиль транспорти)ни ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади. Айни чоғда ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини тақдим этилаётган солиқ имтиёзини инобатга олган ҳолда, ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди.

Натижада умумий овқатланиш корхоналари томонидан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари таннархи ҳамда сотиш нархи сезиларли даражада пасаяди.

Эътиборлиси, ушбу тадбир умумий овқатланиш корхоналари молиявий аҳволига, яъни фойдаси миқдори ва рентабеллик даражасига салбий таъсир этмаган ҳолда, маҳсулот нархини пасайтириш ҳамда арзонлаштирилган маҳсулотларни сотиш ҳажмларини ошириш ҳисобидан олинадиган фойда миқдорини янада кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари шу йил 1 апрелдан 31 декабргача алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлашдан озод қилинмоқда.

Таъкидлаш керакки, умумий овқатланиш корхоналари учун кичик тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаган ҳолда, уларни кичик корхоналар тоифасига киритиш мақсадида шу йил 1 июлдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ходимлар йиллик ўртача сони 25 нафардан 50 нафарга оширилиши соҳада қўшимча иш ўринлари яратишга олиб келади.

Айниқса, 2021 йил 1 июлга қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб тадбиркорлик субъектларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан шартнома тузмасдан давлат солиқ хизмати органларини савдо муддати, маҳсулоти ҳамда транспорт тўхташи тақиқланмаган жойларни кўрсатган ҳолда, хабардор қилиш орқали автодўкон, автомагазин, автотиркама, автоцистерна ва фудтраклар орқали савдо қилиш ҳуқуқи тақдим этилиши белгилангани аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотлар ходимларига қулайликлар яратади.

Мазкур ҳужжат билан Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган бир қатор солиқ имтиёзлари 31 декабрга қадар узайтирилди.

Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, масалан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Шунингдек, қуйидаги преференцияларнинг амал қилиш муддати 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилди:

— божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солиғини тўлаш муддатини кечиктиришни тақдим этиш;

— микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ, пеня ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундиришни тўхтатиш;

— қўшимча равишда умумий овқатланиш корхоналари ижтимоий солиқ пасайтирилган ставкасини ишчилар сонидан қатъи назар қўллаши мумкинлиги белгиланди.

Умуман, ҳужжатда белгиланган тадбирлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни инқироздан ҳимоялаш ва иқтисодиётни изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# СУВ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

←1

Узоқ йиллар фойдаланилиши натижасида ирригация каналларининг 60 фоизи, лотокларнинг 70 фоизи эскирган. Уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, баъзиларини алмаштириш зарурати мавжуд.

Сув хўжалиги учун Давлат бюджетидан ажратиладиган жами маблағнинг 70 фоизи электр энергияси учун сарфланади. Атиги 3 фоизигина таъмирлаш-тиклаш ишларига йўналтирилади.

Соҳада 32,6 минг нафар ходим ишлайди, уларнинг ўртача иш ҳақи 1,5 миллион сўм, мамлакат бўйича ўртача иш ҳақи (2,3 миллион сўм)га нисбатан 65 фоизни ташкил этади. Ҳар йили 3-4 минг ходим ишга кириб, бир муддат ўтгач, бўшаб кетиш ҳолати кузатилади.

**Бутун жаҳон ресурслар институти маълумоти:**

- *Ўзбекистон сув танқислигига мойил бўлган 25 та давлат қаторига киради;*
- *2030 йилга бориб сувнинг умумий тақчиллиги 2,3 баробар ошиши кутилмоқда;*
- *Кейинги 10 — 15 йил ичида аҳоли жон бошига сув таъминоти деярли 2 баробар қисқаради, лекин сувга бўлган талаб 20 фоиз ошади, саноат ва энергетика соҳаларининг сув истеъмоли 84 фоиз ўсади.*

*Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Фармони ўз вақтида қабул қилинган, ниҳоятда долзарб ва муҳим ҳужжат бўлди.*

## Сув ҳисобини юритиш такомиллаштирилади

Очиғини айтиш керак, республикамизда ер ости, ер усти ва оқова сувлар ҳисобини юритиш яхши йўлга қўйилмаган. Бунинг сабаби, сув ресурслари устидан назоратни Сув хўжалиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, Гидрометеорология хизмати маркази, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади. Ҳар бир вазирлик ҳамда идорада ҳисобот шакллари ҳар хил юритилади. Шундан келиб чиқиб, сув хўжалиги соҳасида прогнозлаштириш, бошқариш, назорат қилиш ва мавжуд сув ресурсларининг ҳисобини юритиш тизимлари ҳам турлича.

Мазкур йўналишда концепция асосида 2020-2021 йилларда сув ҳисобини юритиш стандартлаштирилади ҳамда давлат сув кадастрини юритиш тизими автоматлаштирилади. 2022 йилда сув ресурслари ҳисобини юритиш ва бошқаришнинг яхлит тизими яратилади.

## Каналларнинг фойдали иш коэффициенти ошади

Республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувнинг 37 фоизи экин майдонларига етиб бормасдан йўқотилади. Негаки, магистраль ва хўжаликлараро каналларнинг 66 фоизи (18,7 минг км.) тупроқ ўзандан иборат. Суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,63 га тенг.

Ишонамизки, мазкур Фармон ижроси таъминланса, каналларнинг фойдали иш коэффициенти сезиларли даражада ошади.

**Рисқул СИДДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## АКАДЕМИК САТТОР ТУРСУНМУҲАМЕДОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Ижтимоий фалсафа ва социология соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Саттор Турсунмуҳамедов шу йил 21 июль куни 91 ёшида вафот этди.

С. Турсунмуҳамедов 1929 йил 11 январда Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятига қарашли Туркистон шаҳрида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тугатиб, ушбу университет аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1955 йили Тошкент молия-иқтисод институтида катта ўқитувчи сифатида бошлаган истеъдодли олим қарийб 65 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) доценти, профессори, кафедра мудири, Республика ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти директори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети) ректори, Республика юқори малакали педагоглар тайёрлаш институти директори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг ижтимоий фалсафа ва социология соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган мақола ва тадқиқотлари, монография ва рисолалари юртимиз олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга таълим-тарбия берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик С. Турсунмуҳамедовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Саттор Турсунмуҳамедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**

# ЕР АЖРАТИШНИНГ ШАФФОФ ТИЗИМИГА ЎТИЛАДИ

← 1

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, 21 та кадастрнинг 16 таси тўлиқ шаклланмаганлигини, бунинг сабаби ерлар, йўллар, электр тармоқлари қувурлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқлигини айтиб ўтди. Масалан, давлат кадастрларини шакллантирмаган ташкилотларда автомобиль йўллари кадастри 23 фоизга, маданий мерос 32, қувурлар 32 фоизга, шаҳарсозлик кадастри 63 фоизга шаклланган, холос. Шу сабабли ишчи гуруҳ тузган ҳолда ҳар ойда муҳокама қилиб, йил охирига қадар шакллантирилмаган давлат кадастрларини хатловдан ўтказиш ҳақида тегишли топшириқлар берилди.

Албатта, бу кўрсатмаларга асосан, соҳани ривожлантириш ва мукаммал тизим сифатида шаклланиши учун аниқ режалар ишлаб чиқамиз ҳамда чора-тадбирлар белгилаб оламиз.

**Жамшид ХОДЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири:**

— Ерга бўлган муносабат, ернинг таркибини таҳлил қилиш, унинг сифати ва балл бонитетини белгилаш бўйича топшириқлар берилди. Асосан, "Давергеодезкадастр" қўмитасининг функцияларини қайтадан кўриб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

Вазирлигимиз ернинг таҳлилини юритишда, балл бонитетини белгилашда, умуман, уни эрозиядан, шўрланишдан сақлаб, сифатини яхшилашда асосий манфаатдор ҳисобланади. Чунки ер ҳосилдорликда, маҳсулотлар етиштиришда энг асосий ресурсдир.

Бундан ташқари, "Давергеодезкадастр" қўмитаси таркибидаги айрим ташкилотларни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасаррруфига ўтказиш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг нима манфаати бор, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, ерларни яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги учун керак. Шунинг учун давлатимиз раҳбари томонидан ушбу механизмга хусусий секторни ҳам жалб қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш топшириғи берилди.

Иккинчи масала, қишлоқ хўжалигида рақамлаштиришга эътибор қаратиш. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ҳам рақамлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, ернинг ўлчамидан тортиб, таҳлилигача бўлган жараёнларни сунъий йўлдошлар ёки дронлар орқали олиб бориш мумкин. Ушбу йўналишда йилнинг охиригача қишлоқ хўжалигида ерларни таҳлил қилувчи картографияни ва қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг ҳисобини рақамлаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Чунки қишлоқ хўжалигини рақамлаштирмасдан туриб олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришимиз қийин.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОНЛАР



## Tender asosida mahsulot sotib olish

Tenderda yuqori tajribaga ega bo'lgan, o'z vaqtida yetkazib bera oladigan va belgilangan miqdorda mahalliy mahsulot ishlab chiqaruvchi mahalliy va chet el korxonalari ishtirok etishlari mumkin. Tenderga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yo'nalishida faoliyat olib borayotganlar ham taklif etiladi.

**I.** Xarid komissiyasi ishchi guruhining manzili:
O'zbekiston Respublikasi, 100084, Toshkent shahri, Xalqobod ko'chasi, 17-«A» uy.
Ma'lumot uchun telefon raqamlar: O. X. Turaxanov, tel./faks: 71-238-75-76 (78)
Elektron sayt: www.udz.uz, elektron manzil: 1upr@udz.uz
Tender mavzusi:

| Lot № | Tender mavzusi | O'lchov birligi | Miqdori | Maksimal sotib olish narxi 1 kub.m. uchun * |
|---|---|---|---|---|
| | | | | So'm |
| 2 | Kesilgan taxta (doska obreznaya) ignabarglilar turkumi, qarag'ay, 1-3 nav, kengligi 150 - 200 mm., qalinligi 40 - 50 mm., uzunligi 6 m., GOST 8486, 24454 | kub.m. | 834,484 | 2 563 350,0 |

* — chet davlat ishtirokchilari uchun maksimal sotib olish narxi 1 tonnasi uchun takliflarni ochish kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Ishtirokchilarning takliflari lotning butun hajmi 834,484 kub.m. qabul qilinadi.

**II.** Tenderda ishtirok etishi man etiladigan korxonalar va firmalar:
a) qayta tashkil etish, tugatish va bankrot jarayonidagi;
b) kvalifikatsiya saralashida barcha talab etilgan hujjatlarni o'z vaqtida taqdim etmagan;
c) oldingi tuzilgan shartnomalarni munosib tarzda bajarmagan;
d) buyurtmachi bilan sudlashuv yoki hakamlik ishini ko'rish holatida bo'lgan;
e) imtiyozli soliq tizimini taqdim qiluvchi va/yoki moliyaviy operatsiyalar o'tkazilganda ma'lumotning fosh etilishi va taqdim qilinishi ko'zda tutilmagan davlatlarda va/yoki hududlarda ro'yxatdan o'tgan (offshor hudud);
f) vakolatli organ tomonidan shakllantiriluvchi insofsiz bajaruvchilarning yagona reestriga kiritilgan;
g) soliq va boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlik mavjud bo'lsa;
h) o'z vaqtida ishtirok etishni kafolatlovchi garovni taqdim etmasa;
i) xususiy yoki ijaraga olingan ishlab chiqarish quvvatini, ombor maydonlari, ma'muriy binolar, ofis (kadastr va/yoki ijara shartnoma va/yoki boshqa hujjatlar) (mahalliy ishtirokchilar uchun), mavjud bo'lmasa.

**III.** Tenderda qatnashish uchun garov miqdori — lotda belgilangan miqdorning narxidan 1% miqdorda to'lanadi yoki shu miqdorda bank kafolati taqdim etiladi. Chet davlat ishtirokchilari uchun garov miqdori to'lov kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Tenderda qatnashish garov to'lovlari uchun bank rekvizitlari:

**«O'zdavzaxira»**
**Hisob raqam (AQSH dollari): 20203840300101000001.**
**Hisob raqam (yevro): 20203978100101000001.**
**Hisob raqam: 20203000400101000001.**
**«Ipoteka-bank» ATIB**
**Mehnat filiali Toshkent sh.**
**MFO 00423, OKED 84111,**
**STIR 201059473,**
**SWIFT: UZHOUZ22XXX.**

**IV.** Yetkazib berish shartlari:

Mahalliy ishtirokchilar — yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonasiga yetkazib beriladi. Omborxonalar manzili:

110302, Ohangaron sh., Promzona, (O'zbekiston Respublikasi);

Chet davlat ishtirokchilari uchun yetkazib berish shartlari «INCOTERMS — 2010» asosida, alohida partiyalarda temir yo'l yoki avtotransport vositalaridan CIP shartlari bo'yicha yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonalariga yetkazib beriladi.

110302, Ohangaron sh., Promzona, Ohangaron temir yo'l stantsiyasi, stantsiya kodi: 723009, oluvchining kodi 1074 (O'zbekiston Respublikasi)

**V.** Yetkazib berish muddati, chet davlat ishtirokchilari uchun buyurtmachi tomonidan **yetkazib beruvchi foydasiga akkreditiv ochilgandan so'ng 90 kun davomida**, mahalliy yetkazib beruvchilarga **shartnoma imzolanishdan va oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng 90 kun davomida**.

**VI.** Ishtirokchilar ikkita komplekt tashqi konvertlar taqdim qilishi lozim, bitta asl nusxa va bitta nusxa. Har bir hujjatlar komplekti ichida ikkita ichki (texnik va narx taklifi) va kvalifikatsiya hujjatlari bo'lishi lozim. Tashqi va ichki hujjatlar yelimlab ulangan joylarida ishtirokchining muhri bilan muhrlanishi kerak. Tashqi konvertda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim: tender ishtirokchisining nomi va manzili. Agar konvert muhrlanmagan va belgilangan tartibda rasmiylashtirilmagan bo'lsa, tenderning ishchi guruhi yo'qolgan va muddatdan avval ochilgan vaziyatlarda javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

**VII.** Tender takliflarini taqdim qilishning oxirgi muddati: **2020 yil 17 avgust, Toshkent vaqti bilan soat 18.00 gacha**.

360R

## Tender asosida mahsulot sotib olish

Tenderda yuqori tajribaga ega bo'lgan, o'z vaqtida yetkazib bera oladigan va belgilangan miqdorda mahalliy mahsulot ishlab chiqaruvchilar, yetkazib beruvchilar va chet el korxonalari ishtirok etishlari mumkin. Tenderga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yo'nalishida faoliyat olib borayotganlar ham taklif etiladi.

**I.** Xarid komissiyasi ishchi guruhining manzili:
O'zbekiston Respublikasi, 100084, Toshkent shahri, Xalqobod ko'chasi, 17-«A» uy.
Ma'lumot uchun telefon raqamlar: O. X. Turaxanov, tel./faks: 71-238-75-76 (78).
Elektron sayt: www.udz.uz, elektron manzil: 1upr@udz.uz
Tender mavzusi:

| Lot № | Tender mavzusi | Miqdori (tonna) | Maksimal sotib olish narxi 1 tonna uchun* | Umumiy narxi |
|---|---|---|---|---|
| | | | So'm | So'm |
| 2 | Kristallangan oq shakar TC 2 GOST 33222-2015 | 10 000 | 5 360 000,0 | 53 600 000 000,0 |

* — chet davlat ishtirokchilari uchun maksimal sotib olish narxi 1 tonnasi uchun takliflarni ochish kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Ishtirokchilarning takliflari lotning butun hajmi 10 000 tonnaga qabul qilinadi.

**II.** Tenderda ishtirok etishi man etiladigan korxonalar va firmalar:
a) qayta tashkil etish, tugatish va bankrot jarayonidagi;
b) kvalifikatsiya saralashida barcha talab etilgan hujjatlarni o'z vaqtida taqdim etmagan;
c) oldingi tuzilgan shartnomalarni munosib tarzda bajarmagan;
d) buyurtmachi bilan sudlashuv yoki hakamlik ishini ko'rish holatida bo'lgan;
e) tender e'lon qilingan vaqtga qadar tashkil etilganiga 6 oydan kam bo'lgan;
f) imtiyozli soliq tizimini taqdim qiluvchi va/yoki moliyaviy operatsiyalar o'tkazilganda ma'lumotni fosh etilishi va taqdim qilinishi ko'zda tutilmagan davlatlarda va/yoki hududlarda ro'yxatdan o'tgan (offshor hudud);
g) vakolatli organ tomonidan shakllantiriluvchi insofsiz bajaruvchilarning yagona reestriga kiritilgan;
h) soliq va boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlik mavjud bo'lsa;
i) o'z vaqtida ishtirok etishni kafolatlovchi garovni taqdim etmasa;
j) xususiy yoki ijaraga olingan ishlab chiqarish quvvatini, ombor maydonlari, ma'muriy binolar, ofis (kadastr va/yoki ijara shartnoma va/yoki boshqa hujjatlar) (mahalliy ishtirokchilar uchun), mavjud bo'lmasa.

**III.** Tenderda qatnashish uchun garov miqdori — lotda belgilangan miqdorning narxidan 1% miqdorda to'lanadi yoki shu miqdorda bank kafolati taqdim etiladi. Chet davlat ishtirokchilari uchun garov miqdori to'lov kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Tenderda qatnashish garov to'lovlari uchun bank rekvizitlari:

**«O'zdavzaxira»**
**Valyuta hisob raqam (AQSH dollari): 20203840300101000001.**
**Valyuta hisob raqam (yevro): 20203978100101000001.**
**Hisob raqam: 20203000400101000001.**
**«Ipoteka-bank» ATIB Mehnat filiali Toshkent sh.**
**MFO 00423, OKED 84111, STIR: 201059473, SWIFT: UZHOUZ22XXX**

**IV.** Yetkazib berish shartlari:

Mahalliy ishtirokchilar - yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonasiga yetkazib beriladi. Omborxonalar manzili:

1-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 140502, Juma sh., Tinchlik ko'chasi 54, temir yo'l stantsiyasi Juma, stantsiya kodi 728106, qabul qiluvchi kodi 6242 (O'zbekiston Respublikasi);

2-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 110302, Ohangaron sh., Promzona, temir yo'l stantsiyasi Ohangaron, stantsiya kodi 723009, qabul qiluvchi kodi 1074 (O'zbekiston Respublikasi);

3-yuk qabul qiluvchi: 3 000,0 tn., 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni., Xonobod 1-uy. Temir yo'l stantsiyasi Sergeli, stantsiya kodi 723507, qabul qiluvchi kodi 1290 (O'zbekiston Respublikasi).

Chet davlat ishtirokchilari uchun yetkazib berish shartlari «INCOTERMS — 2010» asosida, alohida partiyalarda temir yo'l yoki avtotransport vositalaridan CIP shartlari bo'yicha yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonalariga yetkazib beriladi.

1-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 140502, Juma sh., Tinchlik ko'chasi. 54, temir yo'l stantsiyasi Juma, stantsiya kodi 728106, qabul qiluvchi kodi 6242 (O'zbekiston Respublikasi);

2-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 110302, Ohangaron sh., Promzona, temir yo'l stantsiyasi Ohangaron, stantsiya kodi 723009, qabul qiluvchi kodi 1074 (O'zbekiston Respublikasi);

3-yuk qabul qiluvchi: 3 000,0 tn., 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni., Xonobod 1-uy. Temir yo'l stantsiyasi Sergeli, stantsiya kodi 723507, qabul qiluvchi kodi 1290 (O'zbekiston Respublikasi).

**V.** Yetkazib berish muddati, chet davlat ishtirokchilari uchun buyurtmachi tomonidan **yetkazib beruvchi foydasiga akkreditiv ochilgandan so'ng 120 kun davomida**, mahalliy yetkazib beruvchilarga **shartnoma imzolanishdan va oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng 120 kun davomida**.

**VI.** Ishtirokchilar ikkita komplekt tashqi konvertlar taqdim qilishi lozim, bitta asl nusxa va bitta nusxa. Har bir hujjatlar komplekti ichida ikkita ichki (texnik va narx taklifi) va kvalifikatsiya hujjatlari bo'lishi lozim. Tashqi va ichki hujjatlar yelimlab ulangan joylarida ishtirokchining muhri bilan muhrlanishi kerak. Tashqi konvertda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim: tender ishtirokchisining nomi va manzili. Agar konvert muhrlanmagan va belgilangan tartibda rasmiylashtirilmagan bo'lsa, tenderning ishchi guruhi yo'qolgan va muddatdan avval ochilgan vaziyatlarda javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

**VII.** Tender takliflarini taqdim qilishning oxirgi muddati: **2020 yil 19 avgust, Toshkent vaqti bilan soat 18.00 gacha.**

361R

## Tender asosida mahsulot sotib olish

Tenderda yuqori tajribaga ega bo'lgan, o'z vaqtida yetkazib bera oladigan va belgilangan miqdorda mahalliy mahsulot ishlab chiqaruvchilar, yetkazib beruvchilar va chet el korxonalari ishtirok etishlari mumkin. Tenderga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yo'nalishida faoliyat olib borayotganlar ham taklif etiladi.

**I.** Xarid komissiyasi ishchi guruhining manzili:
O'zbekiston Respublikasi, 100084, Toshkent shahri, Xalqobod ko'chasi, 17-«A» uy.
Ma'lumot uchun telefon raqamlar: O. X. Turaxanov, tel./faks: 71-238-75-76 (78)
Elektron sayt: www.udz.uz, elektron manzil: 1upr@udz.uz
Tender mavzusi:

| Lot № | Tender mavzusi | Hajm (kub.m.) | Kub metr uchun maksimal narxi. Uzb. so'm | Umumiy narxi |
|---|---|---|---|---|
| 3 | Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x4 mm., GOST 3916.1-96. | 211,100 | 7 038 000,0 | 1 485 721 800,00 |
| | Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x6 mm.,GOST 3916.1-96. | 75, 700 | 6 216 000,0 | 470 551 200,00 |
| | Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x8 mm., GOST 3916.1-96. | 133,100 | 6 066 000,0 | 807 384 600,00 |
| | Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x10 mm., GOST 3916.1-96. | 80,100 | 5 891 000,0 | 471 869 100,00 |
| | **Jami:** | **500,0** | | **3 235 526 700,00** |

* — chet davlat ishtirokchilari uchun maksimal sotib olish narxi 1 kub.m. uchun takliflarni ochish kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Ishtirokchilarning takliflari lotning butun hajmi 500 kub.m. qabul qilinadi.

**II.** Tenderda ishtirok etishi man etiladigan korxonalar va firmalar:
a) qayta tashkil etish, tugatish va bankrot jarayonidagi;
b) kvalifikatsiya saralashida barcha talab etilgan hujjatlarni o'z vaqtida taqdim etmagan;
c) oldingi tuzilgan shartnomalarni munosib tarzda bajarmagan;
d) buyurtmachi bilan sudlashuv yoki hakamlik ishini ko'rish holatida bo'lgan;
e) tender e'lon qilingan vaqtga qadar tashkil etilganiga 6 oydan kam bo'lgan;
f) imtiyozli soliq tizimini taqdim qiluvchi va/yoki moliyaviy operatsiyalar o'tkazilganda ma'lumotni fosh etilishi va taqdim qilinishi ko'zda tutilmagan davlatlarda va/yoki hududlarda ro'yxatdan o'tgan (offshor hudud);
g) vakolatli organ tomonidan shakllantiriluvchi insofsiz bajaruvchilarning yagona reestriga kiritilgan;
h) soliq va boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlik mavjud bo'lsa;
i) o'z vaqtida ishtirok etishni kafolatlovchi garovni taqdim etmasa;
j) xususiy yoki ijaraga olingan ishlab chiqarish quvvatini, ombor maydonlari, ma'muriy binolar, ofis (kadastr va/yoki ijara shartnoma va/yoki boshqa hujjatlar) (mahalliy ishtirokchilar uchun), mavjud bo'lmasa.

**III.** Tenderda qatnashish uchun garov miqdori — lotda belgilangan miqdorning narxidan 1% miqdorda to'lanadi yoki shu miqdorda bank kafolati taqdim etiladi. Chet davlat ishtirokchilari uchun garov miqdori to'lov kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Tenderda qatnashish garov to'lovlari uchun bank rekvizitlari:

**«O'zdavzaxira»**
**Valyuta hisob raqam (AQSH dollari): 20203840300101000001.**
**Valyuta hisob raqam (yevro): 20203978100101000001.**
**Hisob raqam: 20203000400101000001.**
**«Ipoteka-bank» ATIB Mehnat filiali Toshkent sh.**
**MFO 00423, OKED 84111, STIR 201059473, SWIFT: UZHOUZ22XXX**

**IV.** Yetkazib berish shartlari:

Mahalliy ishtirokchilar — yetkazib beruvchi tomonidan buyutrmachining omborxonasiga yetkazib beriladi. Omborxonalar manzili:

1-yuk qabul qiluvchi: 278,2600 kub.m. — 150201, Farg'ona vil., Bog'dod t-ni., Do'stlik ko'chasi 4. Temir yo'l stantsiyasi Furqat, stantsiya kodi 742300, qabul qiluvchi kodi 3508 (O'zbekiston Respublikasi);

2-yuk qabul qiluvchi: 92,62 kub.m. — 230121, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus sh., Xo'jeyli guzari 14-«A», temir yo'l stantsiyasi Nukus, stantsiya kodi 739007 (O'zbekiston Respublikasi);

3-yuk qabul qiluvchi: 129,12 kub.m. — 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni, Xonobod ko'chasi 1, temir yo'l stantsiyasi Sergeli, stantsiya kodi 723507 (O'zbekiston Respublikasi).

Chet davlat ishtirokchilari uchun yetkazib berish shartlari «INCOTERMS — 2010» asosida, alohida partiyalarda temir yo'l yoki avtotransport vositalaridan CIP shartlari bo'yicha yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonalariga yetkazib beriladi.

1-yuk qabul qiluvchi: 278,2600 kub.m. — 150201, Farg'ona vil., Bog'dod t-ni., Do'stlik ko'chasi 4. Temir yo'l stantsiyasi Furqat, stantsiya kodi 742300, qabul qiluvchi kodi 3508 (O'zbekiston Respublikasi);

2-yuk qabul qiluvchi: 92,62 kub.m. — 230121, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus sh., Xo'jeyli guzari 14-«A», temir yo'l stantsiyasi Nukus, stantsiya kodi 739007 (O'zbekiston Respublikasi);

3-yuk qabul qiluvchi: 129,12 kub.m. — 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni, Xonobod ko'chasi 1, temir yo'l stantsiyasi Sergeli, stantsiya kodi 723507 (O'zbekiston Respublikasi).

**V.** Yetkazib berish muddati, chet davlat ishtirokchilari uchun buyurtmachi tomonidan **yetkazib beruvchi foydasiga akkreditiv ochilgandan so'ng 60 kun davomida**, mahalliy yetkazib beruvchilarga **shartnoma imzolanishdan va oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng 60 kun davomida**.

**VI.** Ishtirokchilar ikkita komplekt tashqi konvertlar taqdim qilishi lozim, bitta asl nusxa va bitta nusxa. Har bir hujjatlar komplekti ichida ikkita ichki (texnik va narx taklifi) va kvalifikatsiya hujjatlari bo'lishi lozim. Tashqi va ichki hujjatlar yelimlab ulangan joylarida ishtirokchining muhri bilan muhrlanishi kerak. Tashqi konvertda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim: tender ishtirokchisining nomi va manzili. Agar konvert muhrlanmagan va belgilangan tartibda rasmiylashtirilmagan bo'lsa, tenderning ishchi guruhi yo'qolgan va muddatdan avval ochilgan vaziyatlarda javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

**VII.** Tender takliflarini taqdim qilishning oxirgi muddati: **2020 yil 18 avgust, Toshkent vaqti bilan soat 18.00 gacha.**

362R

# ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ ЖАВОҲИРЛАРИ



1 Чунончи, оммавий ахборот воситалари орқали кузатяпмиз: баъзи чет мамлакатларда тиббиёт ходимлари "Мен ҳаётимни хавфга қўя олмайман", деб ишдан бўшаб кетмоқда. Ўзига бошқа касб тутяпти. Лекин бизнинг шифокорларимиз ўз роҳатидан кечиб, биринчи навбатда, "беморларга ёрдам бериш керак, одамларни соғу омон сақласак, менинг оиламга ҳам, фарзандларимга ҳам шунинг яхшилиги, баракаси келади", деган ўй, мақсад, туйғу билан хавфли инфекцияга қарши курашга отланмоқдалар. Уларни онг ва қалб бошқармоқда, Ватан, миллат туйғуси олдинга ундамоқда.

Қаҳрамонларни ҳаётнинг ўзи тарих саҳнасига чиқаради, дейдилар. Бугун шифохоналарда, стационарларда, жонлантириш бўлимларида, тез тиббий ёрдам машиналарида, хонадонларда беморлардан, юртимиздан, умуман, бутун дунёдан COVID-19ни ҳайдаб чиқариш йўлида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизни ана шундай қаҳрамонлар, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, улар оилаларидан, фарзандларидан, ота-онасидан узоқда, боз устига, шундай иссиқ об-ҳаво шароитида астронавтларникига ўхшаш кийимларда мардонавор "жанг" олиб боряпти. Атрофида кўринмас қотил зарралар учиб юрганига ҳам парво қилмай, ўзгаларнинг ҳаётини асраб қолишга уринмоқда. Йўқотишлар, йиқилишлар, уйқусизликлар, чарчоқ ва асаббузарликлар, стресслар, инжиқликлар, кимларнингдир норозиликлари уларни тўхтатиб қола олаётгани йўқ. Чунки улар ўз қасамёдига ҳамиша содиқ, буюк аждодимиз Ибн Синонинг муносиб ворисларидир.

Буни қарангки, уларнинг кўпчилиги, ҳатто ҳақиқий қаҳрамон эканликларини билишмайди ҳам. Сўрасангиз, "Бу бизнинг вазифамиз, бурчимиз. Шунчаки ишимизни қиляпмиз", дея жавоб қайтаришади. Аслида Юртбошимиз таъкидлаганидек, шифокорларимиз қаҳрамонлик, фидойилик кўрсатяпти...

Келинг, яхшиси, буни уларнинг ўзларидан эшитайлик.

## Сўз ҳам малҳам...

Зарафшон шаҳрилик юқумли касалликлар шифокори Галия Тоимбетованинг тиббиётдаги умумий стажи 36 йилни ташкил этади. Конимех туманида меҳнат фаолиятини бошлаган кезлари гепатит ва диарея каби эпидемияларга рўбарў келганлигини инобатга олмасак, экстремал ҳолатларда муолажа чораларини илк бор кўриши.

— Биласизми, COVID-19 ўта айёр, хавфи тез кучаядиган, деярли ўрганилмаган инфекция, — дейди Г. Тоимбетова. — Яқинда касаллик аниқланган мактаб ўқувчисини олиб келишди. Ўз оёғи билан юриб келган бемор шифохона тартибини тушунтиришимизга улгурмасдан йиқилиб тушди. Аппаратга уладик, овқатланиши, жисмоний фаоллиги, тиббий муолажалар индивидуал тарзда назоратга олинди. У шифо топиб, тузалиб кетди. Демоқчиманки, ушбу инфекцияни даволашда бутун дунё шифокорлари йўл-йўлакай тажриба орттиришига тўғри келмоқда.

Шаҳримизда 7 май куни илк бемор аниқланган бўлса, ўша кундан 1 июнга қадар уйга бормай ишлашимизга тўғри келди. Тўғрисини айтсам, ҳеч ким мажбурлагани йўқ. Беморни, унинг умидвор нигоҳини унутиш қийин. Бўлди, шу касални реанимациядан чиқарайлик, уйга бораман, дейсан, навбатдагиси тушади. Уларнинг оғир аҳволини кўриб, йиғлаган пайтларим ҳам бўлди. Албатта, бундай дамларда ўз ҳаётингдан хавотир, уйқу ва қўрқув ҳам ортга чекинар экан.

Тиббиёт техник тараққиётда бугун нақадар илгарилаб кетганлиги ҳақида кўп гапирганмиз ва эшитганмиз. Бироқ коронавирусни даволашда технологик жиҳатдан қанчалик ривожланиш бўлмасин, инсон омили, куюнчаклик, бировнинг соғлиғи учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, фидокорлик кўрсатиш ҳал қилувчи муҳим мезон эканлиги ойдинлашмоқда.

— Шифохонамизда 79 ёшли кампир ва 13 ёшли ўсмир бир пайтда ўпкани сунъий шамоллатиш аппаратига олинишига тўғри келди, — дейди Г. Тоимбетова. — Бўш аппарат эса битта. Уни кекса инсонга уладик, бир қатор йўлдош касалликлари бор эди. Ўсмирнинг ёнидан эса бир лаҳза бўлсин жилганимиз йўқ. Гуруҳимиз ҳам ёнимда турди. Яратганга шукр, иккаласи ҳам тузалиб кетишди. Лекин бугун эсласам, қилган таваккалимдан юрагим орқага тортиб кетади.

Галия Колобоевна — олий тоифали шифокор. Икки фарзанднинг онаси. Бугунги синовли кунларда унга елкадош бўлган фарзандлари ва умр йўлдошининг кўмагини алоҳида таъкидлайди.

"Сўз ҳам малҳам, — дейди у, — биргина миннатдорлик каломини эшитиш, гўё бутун чарчоғингизни чиқариб юборади!"

## Касбидан фахрланиш ҳиссининг биллур томчиларга эврилиши

— Шу йилнинг 20 мартидан бошлаб, муассасамиз госпиталга айлантирилди ва бу ерга COVID-19 билан касалланганларни ётқизиш режалаштирилди, — дейди Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўлим мудири Дилфуза Орзиқулова. — Фаолиятимизда бундай ҳолатга биринчи марта дуч келаётгандик. ОАВ орқали ушбу мавзу кенг ёритилса-да, очиғи, янги инфекция ҳақида ҳеч нарса билмасдик. Тўғри, шифокормиз, лекин биз ҳам инсонмиз. Бизда ҳам қўрқув бор эди. Ростини айтганда, бу ҳадик ўзимиз учун эмас, оиламиз, яқинларимиз учун...

Лекин госпиталда ишлайдиганлар рўйхати тузилаётганда, ҳеч иккиланмасдан ўзимни унга киритишларини сўрадим. Тўғри, оилам, яқинларим мен ҳақимда кўп қайғуришди. Зотан, бунга асос ҳам бор эди: кейинги тақдирим қандай кечади, бу касаллик менга бўйсунадими ёки... Ҳаммаси қоронғи

> **Ажал исканжасида соатлар, кунларни ўтказишимизга нима ёрдам берди? Палаталарда кўзи қўрқувдан милтиллаётган беморлар. Улар сизга умид ва нажот кўзи билан қарайди. Сиз уларга далда бўлишингиз керак. Бундан ташқари, ҳамширалар, санитаркаларнинг иши ҳам ўта оғир. Бир нечтаси ҳушидан кетиб қолади. Ўзига келганда, уларнинг шашқатор кўз ёшлари ва дардини эшитишнинг ўзи бўлмайди. Уларга ҳам далда бўлиш лозим.**

эди. Кўп ўтмай, оила ва яқинларимиздан айрилган ҳолатда ишни бошладик. Биласизми, Яратганнинг ўзи инсонга савоб ишлар учун куч ва қувват бахш этар экан. Саккиз — ўн икки соатни ичига ҳаво ўтқазмайдиган махсус кийимда ўтказишга ҳам кўникдик. Тилимизда бир гапни қайта ва қайта такрорлаймиз: "Худойим куч-қувват бер, сабру тоқат бер".

Ажал исканжасида соатлар, кунларни ўтказишимизга нима ёрдам берди? Палаталарда кўзи қўрқувдан милтиллаётган беморлар. Улар сизга умид ва нажот кўзи билан қарайди. Сиз уларга далда бўлишингиз керак. Бундан ташқари, ҳамширалар, санитаркаларнинг иши ҳам ўта оғир. Бир нечтаси ҳушидан кетиб қолади. Ўзига келганда уларнинг шашқатор кўз ёшлари ва дардини эшитишнинг ўзи бўлмайди. Уларга ҳам далда бўлиш лозим.

Шу ерда бир чекиниш қилмоқчиман. Албатта, бу ерга ҳамма ватанпарварлик ҳисси билан кирмайди. Айримлар пул учун. Баъзилар ўз касби ва қасамига садоқати учун. Умуман олганда, 14 кунлик касаллик билан кураш ҳаммани бир тан, бир кучга айлантирди. Аёл учун энг оғир иш бу, ҳафталаб оиласидан айри ҳолда меҳнат қилиш. Кичик фарзандларини уйига ташлаб чиққан онаизорни, жонидан азиз невараларидан вақтинчалик бўлса-да айрилган улуғ ёшдаги шифокорларни тасаввур қилинг!

Ўтган вақт мобайнида икки марта 14 кундан касалларни даволаш жараёнида бевосита қатнашдим. Шу даврда 200 дан зиёд беморларнинг шифо топишида ўз ҳиссамни қўшганимдан мамнунман.

Сабру қаноат ила ҳар 14-кунни ҳаммамиз кўзимизда ёш билан кутиб оламиз. Бу кўзёшлар — қувонч ёшлари. Таъбир жоиз бўлса, касб-коримиздан фахрланиш ҳиссининг биллур томчиларга эврилишидир.

## «Онажон, мен ҳам сиз каби шифокорлик касбига содиқ бўламан»

— Бугун ҳар қачонгидан кўра халқимизга кўпроқ кераkmиз, — дейди Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонаси қабул бўлими мудири, олий тоифали шифокор Азима Ғаниева. — Шуни ҳис этган ҳолда биз ҳаммадан кўра оғир ва босиқ, айни чоғда, шижоатли бўлишимиз шарт. Шунданми, дам олмасдан узлуксиз равишда 20 кун шифохонада ишладим. 14 кун карантинда ҳам бўлдим. Хуллас, бир ойдан зиёд вақт давомида оиламдан хабар ололмадим. Шундай бўлса-да уйимдагилар буни яхши тушунишади. Улардан ҳам миннатдорман. Мен кўпроқ шифохона қабул бўлимида хатарли вазиятда ишлаётган 15 нафар ходимимизнинг коронавирусга чалинмаслиги учун барча зарур чораларни кўриш ҳақида ўйладим, уларнинг ҳимоя воситаларидан нечоғли тўғри фойдаланишларини назорат қилдим.

Биласизми, энг муҳими, уйга борганимдан сўнг тиббиёт институтида ўқийдиган қизим Шаҳноза 34 кун мобайнида тиббий маскани ечмаганим учун юзимда қолган изларга боқиб, "Онажон, мен ҳам сиз каби шифокорлик касбига содиқ бўламан", деганида қалбим қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошди...

Ушбу шифохона бўлим ҳамшираси Гулчеҳра Жумаеванинг айтишича, 60 га яқин шифокорлар, 300 дан зиёд ҳамширалар туну кун беморлар атрофида парвона бўлиб, уларнинг тезроқ соғайишлари учун ўзларининг бой билим ва тажрибаларини ишга солиб келмоқдалар.

— Амалиётимизда ҳеч қачон учрамаган касаллик билан курашишнинг ўзи бўлмайди, албатта, — дейди у. — Очиғи, мураккаб шароитда ишлаш ҳар қандай кишини ҳолдан тойдиради. Лекин ўнлаб беморларнинг соғайиб, оилалари бағрига қайтишганини кўрганимизда чарчоқни унутамиз, қушдек енгил тортамиз. Дарддан фориғ бўлган юртдошларимизнинг миннатдор нигоҳларини бир умр унутмайман.

## Вақтдан ўзиб...

Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси лаборанти Ҳанифа Мамараҳимова эса 11 июлда ишга келганича, ҳали уйига боргани йўқ. Чунки вазият талаби ва тартиби шундай: 14 кун узлуксиз ишда бўлиши керак. Яна коронавирус билан боғлиқ барча таҳлилларни ўзи олиб, натижасини ўзи чиқариши лозим. Негаки, бу "кўринмас бало" билан энг тажрибали лаборант ҳамширалар шуғулланиши зарур бўлгани ҳолда, юқтириб олмасликлари учун ходимларга камроқ юзма-юз келгани маъқул.



Ҳанифахон — малакали мутахассис. Сабаби 2005 йилдан буён таҳлил билан шуғулланади. Шу кунларда бир кеча-кундузда 55 тагача "анализ" унинг қўлидан ўтмоқда.

"Вақтдан ўзиб" деган ибора бор. Бир қарашда бу гап муболаға бўлиб туюлади. Аммо Ҳанифа Мамараҳимованинг ҳозирги меҳнат жараёнига ҳеч иккиланмай мана шу таърифни бериш мумкин. Қаранг, у ўша 50 дан зиёд таҳлилларнинг ҳар бирига бир ярим соат вақт сарфлайди. Хусусан, битта биохимия таҳлили устида еттита натижа бўйича текширув олиб боради. Энг муҳим бўлган, умумий, яъни умумий таҳлилда даволовчилар учун энг зарур маълумот — қоннинг қуюқлашув ҳолатини аниқлаб беради. Биохимияда эса коронавирусда хавф солувчи қон миқдорини текширади. Буларнинг ҳаммаси муҳим ва ҳаммаси шошилинч. Бунинг устига реанимациядаги беморлардан кунига таҳлил олиш ва унинг натижасини докторларга ўз вақтида тақдим қилиши керак. Дейлик, у тунги соат 24 да ишларини тугатди, аммо телефон жиринглайди, топшириқ бўлади: қайсидир беморнинг таҳлилини тезда чиқариш керак.

— Дастлабки биринчи, иккинчи кунларда, рости, қийналдим, — дейди у. — Кейин барчаси изга тушиб кетди. Фақат ўғлим Беҳрўз ва қизим Хуморани соғинганимни айтмаса, ҳаммаси жойида...

## Карантинда тўйни орзу қилган ҳамшира

Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 20 йиллик тажрибага эга ҳамшираси Малоҳат Расулова илк беморлар билан юзма-юз бўлган ҳолатни шундай хотирлайди:

— Фаолиятимиз давомида бу каби ҳолатларга дуч келмаганимиз учун барча ҳамширалар "шок"ка тушиб қолди. Аксига олиб руҳий тушкунликка учраган беморлар ҳаддан ташқари инжиқ бўлиб қолади. "Бу ердан бизни оқ целлофан пакетларга ўраб чиқарасизлар энди", дея умидсизликка тушганлари бўлди. Беморлардаги депрессия ҳамшираларга ҳам таъсир қилмай қолмайди, албатта. Аммо иложи борича бундай ҳолатлардан ортиқча таъсирланмасликка ҳаракат қилдик. Бемордаги ваҳимани тушуниш ва тузатиш мумкин. Бироқ шифокор ва ҳамширадаги ваҳима кўп салбий оқибатларга олиб келади. Шу касбни танладикми, нафақат чидашимиз, балки меҳнатсевар ва фаол, айниқса, вирусга қарши шафқатсиз бўлишимиз шарт. Ҳиссиётларнинг эса ўз вақти-соати бор.

Унинг айтишича, бошида касалларнинг тузалиш жараёни жуда қийин кечган.

— ЖССТ томонидан белгиланган меъёрлар асосида олиб борилаётган даволаш ишларига қарамай, илк бемор тузалишини барча интиқлик билан кутди, — дея эслайди у. — Ниҳоят, малакали тиббий хизмат ва яратилган қулай шарт-шароитлар самара бериб, дардмандлар бирин-кетин оёққа турди. Тўғри, норози бўлаётган, ношукрлик қилаётган беморлар ҳам йўқ эмас. Буниям тўғри тушуниш керак. Биз эса уларни хотиржам қилишимиз шарт. Шунинг учун зарурат туғилса, ҳамшираларимиз беморларнинг боши, қўл-оёқларини уқалаб қўяди, шахсий гигиена воситаларигача ўзлари олиб келиб беришади.

Беш-олти соатлаб махсус қўлқоп, кийим-кечакларда иссиқда ишлаймиз. Юз-қўлларимиз терилари шилиниб, оғриқ беради. Аммо беморнинг олдига кирганда, фақат табассум, яхши кайфиятда бўлиш зарур. Фидойи ҳамширалар ширин сўз, самимий кулги ҳам бемор учун ярим даво эканлигини яхши билишади.

...Малоҳат опа қарийб 1 ой уйига бормай ишлади. Кейин 14 кун санаторийда карантинда бўлди. Яхшиямки, телефон бор. Ҳар куни оила аъзолари билан телефон орқали дийдорлашиб турди.

Албатта, фидойилик рағбатсиз қолиб кетмаяпти. Масалан, меҳнатлари самараси сифатида икки муддат карантинда ишлаган тажрибали ҳамшира ойлик иш ҳақига қўшимча рағбатлантириш тариқасида 30 миллион сўм миқдорида мукофот пули олди.

— Бу йил иккинчи ўғлим Собиржон Алижонов Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаб, Фарғона шаҳридаги 1-оилавий поликлиникада умумий амалиёт шифокори сифатида иш бошлади, — дейди у. — Худо хоҳласа, карантиндан қутулсак, ўғлимни уйлантирмоқчимиз. Мукофот пулининг бир қисмини ана шу тўйга атаб қўйдик. Бир қисмини ота касбини танлаб, Фарғона политехника институтининг энергетика йўналишида ўқиётган ўғлимнинг контракт пули учун тўлаймиз. Катта ўғлим иқтисодчи, кенжатойимиз Нозимжон Фарғона шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси. Мана шундай қанотларим бор экан, улар менга бу ҳаётда туганмас куч-қувват, ирода бераверади.

## Ватаннинг матонатли фарзандлари бор экан, ҳадигу хавотирга ўрин йўқ

Ҳукуматимиз халқни бу офатдан асраш учун барча чораларни кўрмоқда. Кўп минг кишилик карантин марказлари, шифохоналар бунёд этилди. Тиббиёт ходимлари, фидойи инсонлар кечаю кундуз сергак. Ҳар куни касалликдан фориғ бўлаётган ҳамюртларимиз сони ортмоқда.

Зангиота туманидаги юқумли касалликлар шифохонасида ҳам тиббиёт соҳаси вакиллари коронавирус инфекциясига қарши курашишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Камолиддин Раҳимовнинг айтишича, ушбу муассаса жорий йил март ойидан эътиборан COVID-19га гумон қилинган беморларни даволовчи провизор шифохона сифатида фаолият юритаётганди. Орадан тўрт ой ўтгач, яъни 8 июлдан бошлаб, коронавирус билан оғриганларни даволашга мўлжалланган госпиталга айлантирилди.

Пандемия даврида шифокорлар 1400 нафардан ортиқ кишиларнинг саломатлигини тиклашга эришишди. Уларнинг 142 нафари эса айнан коронавирусга чалинган фуқаролар эди.

Кўз илғамас "ёв"га қарши курашнинг олдинги сафларида жасорат кўрсатаётган шифокорлардан бири — Раъно Қодирова. Ушбу шифохонанинг бош врачи, 69 ёшли бу аёлдаги ғайрат-шижоат ёшларга ўрнак бўларли даражада.

— Оиланг ва яқинларингдан маълум муддат узоқда бўлиш, албатта, осон эмас, — дейди у. — Лекин ҳозир ҳиссиётларга бериладиган пайт ҳам эмас. Биз бу ерда кўпроқ кераkmиз. Беморлар дарддан тезроқ халос бўлса, улар ҳам уйига эсон-омон қайтса, шу жароҳатларни кўрсак, ҳар қандай машаққатни, ҳар қандай қийинчиликни зумда унутамиз.

Жамоамизда фидойилар кўп. Мен шу ўринда юқумли касалликлар шифокори Юлдуз Тўхтаева, ҳамширалар Дилором Аҳмедова, Сапура Икромова, тиббиёт ходимаси Шоҳида Салимова, Хабира Гуляева, Дилором Жабборова, Назира Абиддинова, Барно Хожиматова, Ақида Алихўжаева, шунингдек, Аброр Турғуновни алоҳида эътироф этган бўлардим. Улар юқумли касалликлар шифохонаси Тошкент вилояти карантин ҳудудига айлантирилганидан сўнг ҳам бу ерни тарк этишмади. Одамлар соғлиғини ўз соғлиқларидан устун қўйишди. Чинакам матонат кўрсатишди. Шундай инсонлар бор экан, ҳар қандай хавф, ҳар қандай касалликни, албатта, енгамиз!

## Ўзи ва ўзгалар ҳаётига масъуллик онгу қалбда илдиз отса...

— Юртимизда коронавирус инфекциясининг иккинчи тўлқини бошланганни, касаллик эса кўпинча аҳоли орасида учраётгани ҳақида бот-бот гапирилмоқда, — дейди Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси инфекционисти Юлдуз Сапаева. — Масалан, июль ойидан бошлаб туманимиз тиббиёт бирлашмасига мазкур касаллик бўйича мурожаатлар кела бошлади. Бугунги кунда касалланиш ҳолатлари ҳар хил. Хусусан, у ўпка фаолиятига ёмон таъсир кўрсатиши сабабли енгил, ўртача ва оғир ҳолатларни бошдан кечираётганлар бор. Уларни назорат қилиш ва даволаш учун ҳар бир ҳудуднинг ўз шифокорлари масъул қилиб бириктирилган. Йил аввалида бирлашма шошилинч тиббий ёрдам бўлимига учта сунъий нафас олдирувчи ускуна келтирилган эди. Бугун уларнинг сони тўққизтага етди. Шуларнинг ёрдамида 240 нафар шифокор ва 680 нафар ҳамшира касалликка қарши кураш олиб боряпти.

Жамоамизда ўз касбига сидқидилдан ёндашиб ишлаётган мутахассислар етарли. Улар беморлар дардига малҳам бўлиб, касалликни енгишларида кўмак бермоқда.

Ўзим инфекционист шифокор сифатида фаолият юритаётганимга уч йил бўлди. Лекин кучли ва аҳил жамоада тез тажриба тўплаб, коронавирусдан беморларни муваффақиятли даволаяпмиз. Бу борада зарур муолажаларни ўз вақтида ва тезкор бажариш ўта муҳимдир.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино юқумли касалликнинг олдини олишда, аввало, хотиржамликни сақлаш зарурлигига эътибор қаратган. Шундай экан, ваҳимага тушмаслигимиз керак! Қувонарлиси, шундай даволанувчилар борки, улар шўх мусиқа тинглаб, нафақат ўзларини, балки атрофидагиларнинг ҳам кайфиятини кўтаради. Уларни даволаш ҳам енгил кечади. Баъзиларда эса тушкун кайфият ҳукм суради. Уларни яхши сўз билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Касб тақозоси юзасидан бўладиган қўнғироқлар орқали ҳам одамларга биринчи навбатда хотиржамлик зарурлигини, зеро, ваҳима инсон иммунитетини пасайтириб юборишини тушунтирамиз.

*...Дарҳақиқат, пандемиянинг чўзилиши ҳам, уни қисқартириш ҳам ўз қўлимизда. Бугун таҳдид солаётган коронавирус халқимизга келган бир синов. Ана шу синовдан қандай чиқиб кетиш ҳар бир кишининг азму қарори, шижоатига боғлиқ. Зеро, киши қанчалик мукаммалликка интилса, ўзида камоллик сифатларини шакллантирса, шунча кўп ён-атрофига нисбатан бефарқлик, лоқайдликни бартараф этади. Инсон риёзат чекмаса, ўзлигини ёниб изламаса, ҳақиқат сари фақат онги эмас, борлиқ вужуди билан интилмаса, унинг кўнгил кўзгуси сайқалланиши ҳам мушкул. Шу маънода, кўринмас "ёв"нинг тезроқ юртимиздан даф бўлишини истасак, ўзимиз, оиламиз, яқинларимизнинг соғ-саломат юришини хоҳласак, ҳозирги карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шарт!*

*Президентимиз таъбири билан айтганда, биз пандемияни қачон енгамиз? Қачонки, ҳар бир одам ўзидаги бепарволикни енгса, ўзи, оиласи ва фарзандлари, бутун халқимиз ҳаётига масъулият билан қарайдиган бўлса.*

*Биз шунга қодирмизми? Албатта, қодирмиз. Ишончимиз комил, бугунги вазиятнинг ўзи тақозо этаётган мана шундай ҳиссиёт ва қарашлар ҳар бир юртдошимизнинг қалби ҳамда онгига чуқур кириб боради. Ва биз бу синовдан, албатта, муносиб ўтамиз.*

*Бу йўлда туну кун меҳнат қилаётган шифокор ва ҳамшираларимиз — оқ халатли нажоткор фаришталаримиз ўзининг фидойилиги, жасорат ҳамда матонати билан ҳар биримизга кўтаринки руҳ бахш этади, ўрнак ва ибрат бўлади.*

*Қаҳрамонларимиз қаршисида биз ҳамиша таъзимдамиз!*

**Ўткир РАҲМАТ.**

## COVID-19
## ДОЛЗАРБ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР

**— Қандай ҳолатларда беморларга осма укол ("капельница") қўйиш тавсия этилади?**

— Агар бемор ўзи суюқлик ича олса, осма укол олиш мутлақо тавсия этилмайди. "Капельница" ўпка альвеолаларининг шишишига сабаб бўлади. Уйда ва стационарда даволанаётган беморларга осма укол олишни тавсия қилишни тўхтатиш керак.

Коронавирусда беморлар ўз-ўзини кузатиш методидан фойдаланиши лозим. Яъни бунда инфекциянинг барча белгилари кўрсатилган жадвал тузиб, кунлик тарзда ўзларида қайси симптомлар кузатилганини киритиб боришлари зарур. Бу тузалиш жараёнини назорат қилишга ёрдам беради.

**Клара ЁДГОРОВА,**
**Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси вакили.**

**— Антитаначалар такроран касалланмаслик учун кафолат бўла оладими?**

— Бу ерда кафолат сўзини қўллаш унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Ҳаммасини олдиндан билишнинг имкони йўқ.

Антитаначалар мавжудлиги ҳар доим ҳам тўлиқ ҳимояни таъминламайди, чунки нейтралловчи антитаначалар, уларнинг ҳимоя титри ва иммунитетнинг турғунлиги каби тушунчалар ҳам мавжуд.

Битта штамм билан такроран касалланиш ҳолатлари ҳақида ҳозирча дунёда, ҳеч қаерда маълумот эълон қилинмади. Бу, ўз навбатида, ушбу вирусга қарши иммунитет ишлашидан далолат беради. Аммо антитаначаларнинг касалланиб тузалган кишини аниқ ҳимоя қилиш қобилияти, коллектив иммунитет ривожланиши каби ҳодисалар ҳозирча ўрганиш ва илмий тасдиқланиш босқичида.

Мавжуд илмий тадқиқотларга кўра, янги коронавирус (SARS CoV-2) тузилиши бўйича олдинги штаммга (SARS CoV) 85 фоиз ўхшайди. Бу антитаначалар киши касалланган пайтдан бошлаб камида 16 ойгача сақланиб туриши мумкинлиги ҳақида тахмин қилишга асос бўлади. Касалликнинг енгил ва аломатсиз шакллари бундан мустасно, уларда антитаначаларнинг сақланиш давомийлигини ҳали ўрганишимиз керак.

**— Сатурация, пульсоксиметр нима? Коронавирусда уларнинг аҳамияти қанчалик муҳим?**

— Сатурация — ҳужайраларнинг кислород билан тўйинганлик даражаси. У ўпка ўзидан ўтаётган қонни қанчалик кислород билан таъминлай олаётганини кўрсатади.

Сатурацияни "пульсоксиметр" номли асбоб билан ўлчаш мумкин. Бунда пульс ва организмдаги кислород миқдорини ҳисоблаган ҳолда, ҳужайраларнинг кислород билан тўйинганлик даражасини кўрсатиб беради. Нафас қисиши, ҳансираш кузатила бошлаганда пульсоксиметрдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу асбоб кўрсатган фоиз 100 га қанчалик яқин бўлса, натижа шунчалик ижобий дегани.

**Дилдора СЕКЛЕР,**
**вирусолог.**

**— Иммунитетни қандай ошириш мумкин?**

— Инсон иммунитети кўп омилларга таянади. Аввалambор, бу — инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлиги, яшаш тарзи, яшаётган муҳитига боғлиқ. Хусусан, инсон иммунитетининг сусайишига интоксикация, турли заҳарланишлар, ҳаддан ташқари чарчаш, оч қолиш, нотўғри овқатланиш, стресс ҳолатлари, касал юқишидан хавотирга тушиш ҳамда қўрқиш, аввалдан кўп ва тез-тез турли касалликларга чалиниш, зарарли одатлар олиб келиши мумкин.

Қондаги оқ таначалар ёки лимфоцитларнинг кескин камайиб кетиши — инсон иммун тизимининг сусайганини кўрсатади.

Иммунитетни кўтариш учун соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, ўз вақтида ҳамда тўғри овқатланиш, маҳсулотлар орасида етарли даражада оқсил, углевод, витамин ва минералларнинг бўлиши муҳим.

**Дилфуза ҲАСАНОВА,**
**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириш кафедраси доценти.**

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси жамоаси жамғарма бўлим бошлиғи **Ҳулкар ФАЙЗУЛЛАЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент молия институти ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси Соҳиб Аҳмедовга онаси **Муборак АҲМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси Икромжон Машариповга отаси **Ботир МАШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6